ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.28.12.2017.T.07.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

ХУЖАМАТОВ ХАЛИМЖОН ЭРГАШЕВИЧ

ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТИЗИМЛАРИНИНГ ГИБРИД ЭНЕРГИЯ ТАЪМИНОТИ МАНБАЛАРИНИ АДАПТИВ БОШҚАРУВ МОДЕЛЛАРИ ВА ВОСИТАЛАРИ

05.04.01 – Телекоммуникация ва компьютер тизимлари, телекоммуникация тармоқлари ва қурилмалари. Ахборотларни тақсимлаш

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2019

УДК: 621.398.007(075)

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on technical sciences

Хужаматов Халимжон Эргашевич
Телекоммуникация тизимларининг гибрид энергия таъминоти манбаларини адаптив бошқарув моделлари ва воситалари.....3

Хужаматов Халимжон Эргашевич
Модели и средства адаптивного управления гибридными источниками энергоснабжения телекоммуникационных систем.....21

Khujamatov Khalimjon Ergashevich
Models and devices for adaptive management of hybrid power sources of telecommunications systems…….……..39

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works……..……43

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.28.12.2017.T.07.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

ХУЖАМАТОВ ХАЛИМЖОН ЭРГАШЕВИЧ

ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТИЗИМЛАРИНИНГ ГИБРИД ЭНЕРГИЯ ТАЪМИНОТИ МАНБАЛАРИНИ АДАПТИВ БОШҚАРУВ МОДЕЛЛАРИ ВА ВОСИТАЛАРИ

05.04.01 – Телекоммуникация ва компьютер тизимлари, телекоммуникация тармоқлари ва қурилмалари. Ахборотларни тақсимлаш

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2019

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.4.PhD/T919 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент ахборот технологиялари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tuit.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Сиддиков Илхомжон Хакимович** техника фанлар доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Абдуқаюмов Абдурашид** техника фанлари доктори, профессор
	Исаев Рихси Исаходжаевич техника фанлари номзоди, профессор
Етакчи ташкилот:	**Тошкент темир йўл муҳандислари институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги DSc.28.12.2017.T.07.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-65-44; факс: (99871) 238-65-52; e-mail: tuit@tuit.uz).

Диссертация билан Тошкент ахборот технологиялари университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100202, Тошкент, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.:(+99871) 238-65-44).

Диссертация автореферати 2019 йил «____»_____да тарқатилди.
(2019 йил «____» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси)

Х.Н.Зайнидинов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси ўринбосари, т.ф.д., доцент

Ж.Х. Джуманов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., доцент

Н.Б. Усманова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD диссертацияси аннотацияси))

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда телекоммуникация ва ахборот технологиялари тизимларини узлуксиз хизмат кўрсатишини таъминлашда уларнинг турли энергия таъминоти манбаларини қатъий алгоритм ва дастурий таъминотлар асосида бошқариш қурилмаларини такомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Ушбу йўналишда, жумладан телекоммуникация тизимларини энергия билан таъминлашда барқарорлик, ишончлилик, турғунлик параметрларига боғлиқ бўлган гибрид энергия таъминотининг адаптив бошқариш моделлари, алгоритм ва дастурий таъминоти, техник воситалари ҳамда ахборот-ўлчов воситаларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада ривожланган мамлакатларда, жумладан АҚШ, Буюк Британия, Германия, Дания, Голландия, Япония, Хитой ва Россия ҳудудларида телекоммуникация тизимларини қуёш, шамол, аккумулятор батареялари ва дизель (газ) генераторлари каби гибрид энергия манбаларининг адаптив бошқариш тизимларини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланмоқда.

Жаҳонда телекоммуникация тизимларини гибрид манбалар орқали энергия таъминоти узлуксизлигини таъминловчи бошқарув моделлари, воситалари ҳамда тизимларини такомиллаштиришга қаратилган қатор илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ушбу соҳада, жумладан Smart Grid тизимларида, истеъмолчи ҳамда бошқарув ва назорат қурилмалари учун сигналларни ўзгартириш талабларидан келиб чиққан ҳолда, гибрид энергия таъминоти манбаларини бошқариш, мониторинг қилиш, энергияни режалаштириш ва манбаларни бошқарувини таъминловчи микроконтроллерлар учун бошқариш алгоритми, дастурий таъминотлари ва техник ечимларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга IoT технологияси асосида телекоммуникация тизимларининг гибрид энергия таъминоти манбаларини бошқарув жараёнининг масофавий мониторинг қурилмасини ишлаб чиқиш долзарб ҳисобланмоқда.

Республикамизда телекоммуникация ва ахборот технологиялари соҳасини янада такомиллаштиришга, телекоммуникация тизимлари гибрид энергия таъминот манбалари бошқарув тизимларини ишлаб чиқишга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан « ... иқтисодиёт, ижтимоий соҳа, бошқарув тизимига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, ... иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ... ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш»[1] вазифалари белгиланган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш, жумладан телекоммуникация тизимлари гибрид энергия таъминот манбаларининг бошқариш жараёни имитацион моделини яратиш, бошқарувнинг адаптив жараёнини амалга оширишда қарор қабул қилишга тегишли бўлган бошқарув

[1]Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони

сигналларини шакллантирувчи ахборот-ўлчов воситаларини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2015 йил 5 майдаги ПҚ-2343-сон «2015-2019 йилларда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия сиғимини қисқартириш, энергияни тежайдиган технологиялар ва тизимларни жорий этиш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги, 2017 йил 26 майдаги ПҚ-3012-сон «2017-2021 йилларда қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисидаги»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурслар тежамкорлиги» ва IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Телекоммуникация тизимлари гибрид энергия таъминоти манбалари адаптив бошқарув жараёнларини ташкил этиш тамойиллари, уларда қўлланилаётган турли физик табиатли сигнал датчиклари (ўлчанаётган физик катталик (электр ток, кучланиш ва б.) ни узатиш, унга ишлов бериш ва қайд қилиш учун сигналга (электр сигнал) айлантириб берадиган восита) асосида узлуксиз ва ишончли энергия таъминоти муаммолари ечими, ток қийматига мос келувчи кучланиш кўринишдаги сигналларни қабул қилиш, ишлов бериш ва узатиш жараёнлари тадқиқи бўйича кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ушбу тадқиқот йўналишига H.Schaumburg, E.Ritchie, R.Hanitch, I.Rampias, Б.С.Сотсков, К.М.Поливанов, Л.Ф.Куликовский, Л.А.Островский, В.П.Миловзоров, Е.П.Осадчий, М.Ф.Зарипов, А.А.Преображенский, М.М.Белов, Н.Е.Конюхов, Е.С.Левщина, П.В.Новицкий, М.А.Ураксеев ва бошқа таниқли ҳорижий олимларнинг илмий ишлари бағишланган. Шунингдек, белгиланган муаммони тадқиқ қилиш масалаларига республикамиз олимлари Н.Р.Юсупбеков, Х.З.Игамбердиев, Р.К.Азимов, Ш.М.Гулямов, А.А.Абдукаюмов, Ю.Г.Шипулин, А.А.Халиков, С.Ф.Амиров, А.М.Плахтиев, Р.И.Исаев, И.Х.Сиддиков, Б.Махкамжонов ва бошқалар илмий ишлари бағишланган.

Олиб борилган таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, телекоммуникация тизимларининг гибрид энергия таъминоти манбаларини адаптив бошқарувида замонавий техника ва технологияларни комплекс қўллаш, бошқарув ва мониторинг учун зарурий сигналларни шакллантириш жараёнларини моделлаштириш ва алгоритмлаш, манбалар имкониятини аниқлаш датчикларини тузилмавий ва параметрик лойиҳалаш, уларнинг янги

туркумларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш масалалари етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент ахборот технологиялари университети илмий тадқиқот режасининг №574049-EPP-1-2016-1-IT-EPPKA2 - CBHE - JP «Modernization of the Curricula in sphere of smart building engineering - Green Building (GREB)» (2016-2019), №VN 81182259 «Pilot project of Uzbekistan: Climate Change mitigation in rural areas of Uzbekistan - demonstration project at private farm Furqat of Pakhtakor district in the Mirzachul steppe» (2014-2017), №ИТД-17-015 «Ўзбекистон Республикаси телекоммуникациялар воситалари ва тармоқларининг ишлаш барқарорлигини тадқиқ қилиш» (2009-2011) ҳамда №БВ-А3-027 «Мустақил энергия манбали бинонинг электр таъминоти бошқарув тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш» (2017-2018) лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади телекоммуникация тизимларининг гибрид энергия таъминоти манбалари адаптив бошқариш моделларини ишлаб чиқиш ва бошқарув алгоритмларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

телекоммуникация тизимлари энергия таъминот манбалари турлари ҳамда уларни бошқариш усуллари ва воситаларини тадқиқ қилиш;

телекоммуникация тизимлари гибрид энергия таъминот тизимининг бошқариш воситаларини моделлаштириш, лойиҳалаш ва ишлаб чиқиш;

бошқарув тизими датчикларида қўлланиладиган физик-техник эффектларини ва датчикнинг тавсифларини тадқиқ қилиш ҳамда баҳолаш;

истеъмолчи юкламасига боғлиқ ҳолда гибрид энергия таъминоти манбаларини адаптив бошқариш имитацион модели, алгоритми ва дастурий таъминотини ишлаб чиқиш;

IoT технологияси асосида телекоммуникация тизимлари гибрид энергия таъминоти манбалари адаптив бошқарувини масофавий мониторинг қилиш модулини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида телекоммуникация тизимларига мослаштирилган гибрид энергия таъминоти манбалари, уларни бошқариш қурилмалари ва датчиклари олинган.

Тадқиқотнинг предметини телекоммуникация тизимларининг гибрид энергия таъминоти манбаларини бошқариш, бошқарув сигналларига ишлов бериш ва уларни шакллантириш жараёнлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотлар жараёнида электр ва магнит занжирларининг тақсимланган катталик ва параметрларини ҳисоблаш, хатоликлар назарияси, графлар, сигналларни узатиш назарияси, рақамли ишлов бериш ва узатиш, датчикларни лойиҳалаш, имитацион моделлаштириш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

адаптив бошқарув сигналларини қабул қилиш ва шакллантириш датчигининг структураси, модели ва тадқиқот алгоритми ишлаб чиқилган;

телекоммуникация тизимларининг гибрид энергия таъминот манбаларини адаптив бошқарув жараёнининг имитацион модели ишлаб чиқилган;

истеъмолчи юкламаси токига боғлиқ ҳолда гибрид энергия таъминоти манбаларини адаптив бошқариш алгоритми ишлаб чиқилган;

IoT технологияси асосида телекоммуникация тизимларининг гибрид энергия таъминоти манбаларини адаптив бошқарувини масофавий мониторинг модули ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

телекоммуникация тизимларининг барқарор гибрид энергия таъминоти манбаларини адаптив бошқаруви талаблари асосида номинал қийматли бирламчи токни меъёрланган миқдордаги иккиламчи кучланиш кўринишидаги сигналга ўзгартириш датчиги ишлаб чиқилди;

телекоммуникация тизимларининг талабларига мос келувчи барқарор гибрид энергия таъминоти манбаларини адаптив бошқариш дастурий таъминоти ишлаб чиқилган;

сигнал ўзгартириш датчиклари, микроконтроллер бошқарув блоки ва IoT технологиялари асосида телекоммуникация объектлари энергия таъминотини масофадан мониторинг қилиш тизими структураси, маълумотлар базаси ва формати ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги энергия таъминоти манбаларининг адаптив бошқарув тизими учун ишлаб чиқилган датчигининг тузилиш тамойиллари, тадқиқот моделлари, статик ва динамик тавсифлари, олинган тадқиқотлар натижалари умумқабул қилинган мезонлар асосида қиёсий солиштириш орқали изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти телекоммуникация тизимларининг барқарор гибрид энергия таъминоти бошқарув модели ва алгоритми, бирламчи ток қийматини иккиламчи кучланиш кўринишидаги чиқиш сигналига ўзгартириш датчикларини тадқиқ қилиш моделлари ва алгоритмларининг ишлаб чиқилганлиги ва адаптив бошқарув воситаси сигналининг меъёрланганлиги, чизиқлилиги ва юқори аниқлилиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти адаптив бошқарув орқали телекоммуникация тизимларини барқарор энергия таъминотининг функционал имкониятининг кенгайтирилганлиги, энергия ресурслар тежамкорлигини, меъёрланган чиқиш сигналини таъминлаш, адаптив бошқарувда манба имкониятларини баҳолаш датчикларини ҳамда адаптив бошқарув блокининг ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Телекоммуникация тизимларининг гибрид энергия таъминоти манбаларини адаптив бошқарув моделлари ва воситалари бўйича олинган натижалари асосида:

адаптив бошқарув сигналларини қабул қилиш ва шакллантириш датчигининг структураси, модели ва тадқиқот алгоритми Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги тасарруфидаги корхоналарда, хусусан Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва

телевидение маркази ДУКга жорий этилган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2018 йил 12 декабрдаги 33-8/9328-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида телекоммуникация тизимларидаги аккумулятор батареяларининг ишлаш муддатини узайтириш, манбаларни бошқаруви қурилмасининг ишончлилик кўрсаткичини 2-4 фоизга ошириш имкони яратилган;

телекоммуникация тизимларининг гибрид энергия таъминот манбалари адаптив бошқарув жараёнининг имитацион модели ҳамда истеъмолчи юкламаси токига боғлиқ ҳолда гибрид энергия таъминоти манбаларини адаптив бошқариш алгоритми Ахборот технологиялари ва коммуникация-ларини ривожлантириш вазирлиги тасарруфидаги корхоналарда, хусусан «Ўзбектелеком» АК Тошкент филиалининг Янгибозор, Сирдарё филиалининг Гулистон туман телекоммуникациялар боғламаларига жорий этилган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2018 йил 12 декабрдаги 33-8/9328-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида телекоммуникация тизимларини барқарор энергия билан таъминлаш, энергия исътемоли миқдорини назорат қилиш ва бошқарувнинг аниқлик даражаси 0,5 фоиздан ошмаслик ҳамда энергия сарфини 3-4 фоизга тежаш имконияти яратилган;

IoT технологияси асосида телекоммуникация тизимлари гибрид энергия таъминоти манбаларининг ишлаб чиқилган масофавий мониторинг модули Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги тасарруфидаги корхоналарда, хусусан «Ўзбектелеком» АК Тошкент филиалининг Янгибозор, Сирдарё филиалининг Гулистон туман телекоммуникациялар боғламаларига жорий этилган (Ахборот технология-лари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2018 йил 12 декабрдаги 33-8/9328-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида мониторинг қилиш тизим структураси, маълумотлар базаси ва маълумотлар форматини ишлаб чиқиш орқали энергия кўрсаткичларини олдиндан баҳолаш, энергия самарадорлигини 3-4 фоизга ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотлар натижалари 14 та халқаро, 4 та республика илмий-амалий конференциялар ҳамда илмий семинарларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқотлар мавзуси бўйича жами 32 та илмий ишлар, улардан 10 та мақолалар Ўзбекистон Республикаси ОАК тавсия этган журналларда, шу жумладан, 3 та хорижий, 7 та республика миқёсидаги журналларда чоп этилган ва 4 та ЭҲМ учун яратилган дастурий воситаларни қайд қилиш гувоҳномалари олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 117 бетни ташкил этади ва 49 та расм, 3 та жадвалдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари белгилаб олинган, тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, натижаларнинг ишончлилиги асослаб берилган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалга жорий қилиш ҳолати, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Телекоммуникация тизимларининг энергия таъминоти манбалари, уларнинг бошқарув датчиги ва воситалари таҳлили»** деб номланган биринчи бобида телекоммуникация тизимлари энергия таъминоти, гибрид энергия манбалари ва уларни бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари, адаптив бошқарувда қўлланиладиган замонавий датчик ва воситаларнинг имкониятлари таҳлил қилинган ҳамда кўриб чиқилган.

Ҳозирда телекоммуникация қурилмаларини барқарор ва сифатли энергия билан таъминлашда Smart Grid - ақлли энергия тизимлари қўлланилмоқда. Бу эса ўз навбатида кўплаб муаммоларни ечилишига, хусусан бир томонлама ахборот тизими, энергия сарфи назорати, ортиб бораётган энергияга талаб, ишончлилик ва хавфсизликни таъминлашга олиб келади.

Телекоммуникация тизимлари гибрид энергия таъминоти манбаларини истеъмолчининг эҳтиёжига боғлиқ равишда адаптив бошқарувини контроллерли бошқариш блоки ёрдамида амалга ошириш Smart Grid тизимларининг асоси ҳисобланади. Бунда ҳар бир энергия манбаидаги чиқиш кучланиши ҳамда истеъмолчига оқиб ўтаётган токлар тўғрисидаги маълумотлар контроллерли бошқариш блокига узлуксиз узатиб турилиши таълаб этилади. Телекоммуникация қурилмаларининг энергия эҳтиёжи тўғрисидаги маълумотларни контроллерли бошқариш блокига узлуксиз келиб туриши ҳамда ишлаб чиқарилаётган энергия ва истеъмолдаги энергия бир-бири билан солиштирилиб, қиёслаш асосида манбалардан фойдаланишнинг адаптив бошқарув жараёнлари амалга оширилади. Манбалардан қайси бирини улаш ёки узиш ишончлилик, тезкорлик, аниқлилик ва узлуксиз ишлаш мезонлари асосида амалга оширилади.

Гибрид энергия таъминоти манбаларини адаптив бошқарув жараёнини амалга ошириш учун контроллерли бошқариш блокини таҳлил қилиш, контроллерли бошқариш блоки учун ток қийматига мос келувчи сигнал датчикларини танлаш, бошқариш жараёнини тадқиқ қилиш ва алгоритмларини ишлаб чиқиш ҳамда IoT технологияси асосида гибрид энергия таъминоти манбаларини адаптив бошқаришни масофадан мониторинг қилиш талаб этилади.

Датчикларнинг самарали турларини танлаш учун мавжуд бирламчи ток датчикларининг ишлаш тамойилларини атрофлича кўриб чиқишни талаб этади. Ушбу асосда телекоммуникация тизимлари гибрид энергия таъминоти манбаларини самарали бошқарувини амалга ошириш учун энергия ишлаб

чиқарувчи ва истеъмолчи талабларидан келиб чиқиб, адаптив бошқарув қурилмаси алгоритм ва моделларини ишлаб чиқиш лозим.

Адаптив бошқарув контроллерли бошқариш блокини гибрид энергия манбалари билан ўзаро мослаштириш, ток қийматини кучланиш кўринишидаги чиқиш сигналига ўзгартиришни таъминловчи физик-техник эффектларни ва датчикни асосли танлаш, уларнинг алгоритмини, моделини тадқиқ қилиш ва янги тузилишини ишлаб чиқиш талаб қилинади.

Диссертациянинг **«Гибрид энергия таъминоти манбаларининг адаптив бошқарув тизими датчикларининг моделлари»** деб номланган иккинчи боби адаптив бошқарувда қўлланиладиган датчикларни қуриш тамойиллари, сигнал ўзгартириш жараёнида датчикларининг моделлари ва тадқиқот алгоритмлари, сигналларни шакллантирувчи физик-техник эффектлар ва уларни моделлаштиришга бағишланган.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, телекоммуникация тизимлари гибрид энергия таъминоти манбаларини адаптив бошқаришда тақсимланган параметрли датчиклар сезгирлик, тезкорлик, ишончлилик ва аниқлик кўрсаткичлари бўйича қўйилган талабларини тўлиқ қаноатлантиради. Датчикларни тавсифларини тадқиқ этиш жараёнида магнит оқими ўзгаришини тақсимланган параметрли магнит ўзгартириш занжири граф модели ёрдамида ҳисобланди (1-расм).



1-расм. Тақсимланган параметрли магнит ўтказгич тузилишида ўзгартириш жараёнининг граф модели

Граф модель асосида $\Phi_{M\breve{y}}$, $\Phi_{\mu 11}$, $\Phi_{\mu 21}$, $\Phi_{X.O}$, Φ_{g1} - магнит ўзаги ва ҳаво оралиғи орқали оқувчи магнит оқимлар ва $U_{\mu 10}$-$U_{\mu 1n}$-$U_{\mu 20}$-$U_{\mu 2n}$ - магнит юритувчи кучларга $G_{\mu 1}$-$G_{\mu 6}$ - ҳаво оралиғининг магнит қаршилиги ва $R_{\mu 11}$,-$R_{\mu 21}$-магнит ўзак юқори ва пастки қисмларининг магнит қаршиликлари таъсири тадқиқ қилинди. Магнит ўзгартириш занжири граф моделининг тегишли тугунлари учун магнит юритувчи кучлар қийматларини ҳисоблаш қуйидаги тенглама орқали амалга оширилади:

$$
\begin{aligned}
&\frac{U_{\mu 10}-U_{\mu 11}}{R_{\mu 11}}-\frac{U_{\mu 11}-U_{\mu 12}}{R_{\mu 12}}-U_{\mu 11}G_{\mu 1}=0;\\
&\text{..... ....}\\
&\frac{U_{\mu 14}-U_{\mu 15}}{R_{\mu 14}}-\frac{U_{\mu 15}-U_{\mu 16}}{R_{\mu 15}}-U_{\mu 15}G_{\mu 5}=0;\\
&\frac{U_{\mu 15}-U_{\mu 16}}{R_{\mu 15}}-U_{\mu 16}G_{\mu 6}=0.
\end{aligned}
\qquad (1)
$$

Бунда ҳар бир бўлаклардаги магнит оқимлари қуйидаги ифода асосида аниқланади:

$$
\Phi_{\mu n}=\frac{U_{\mu n}-U_{\mu n+1}}{R_{\mu}}. \qquad (2)
$$

(1) ва (2) ифодалар асосидаги аналитик ҳисоблашлар натижасида тақсимланган параметрли датчикнинг магнит юритувчи кучи $U_\mu=f(n)$ ва магнит оқимини $\Phi_\mu= f(n)$ граф модель бўлаклари сонига боғлиқлик масаласи тадқиқ қилинди (2-расм).



а) **б)**

2-расм. Магнит юритувчи куч (а) ва магнит оқим ўзгариш графиги (б)

Расмдаги графиклардан кўриниб турибдики, датчикнинг геометрик ўлчамининг кичиклашиши (1 - 50 мм, 2 - 40 мм, 3 - 30 мм, 4 - 20 мм) билан магнит юритувчи куч ва магнит оқим қийматлари камайиб боради. Тадқиқот асосида, граф моделининг бўлаклар сони n = 6 тенг бўлганда, тақсимланган параметрли датчик магнит оқими миқдорининг аниқлигини унинг геометрик ўлчамларига боғлиқ равишда 0,68 - 1,55 фоизгача оширишга эришилди.

Энергияни ҳосил қилиш элементларида берилган кириш катталикларини энергияга ўзгартириш жараёни тузилмаларини қуриш ва уларнинг бошқариш мумкин бўлган барча вариантларини аниқлаш мос турдаги физик-техник эффектлар орқали амалга оширилади. Агар энергия ўзгариш жараёнларнинг боғланиш табиати берилган бўлса, у ҳолда унинг граф модели датчикни ўзгартириш тамойили, ўзаро алоқалари ва ишлатилган тузилмаларини ҳисобга

олиш асосида қурилади. Бунда барча энергия манбалари учун умумлашган граф моделини қуриш орқали манбаларни адаптив бошқариш жараёнини ташкил этиши мумкин бўлади.

Гибрид энергия таъминоти манбалари орқали энергияни ишлаб чиқариш ва уларни адаптив бошқаришда қўлланувчи физик-техник эффектлар асосида бирламчи катталикларни чиқиш бошқарув сигналига ўзгартириш жараёнини граф модели ишлаб чиқилди (3-расм).



3-расм. Гибрид энергия манбаларини бошқариш сигналини шакллантиришнинг граф модели

бу ерда $E_{ҚЭТ}$, $E_{ШЭТ}$, $E_{ДГ}$ - қуёш, шамол ва дизель генератор э.ю.к.лари; $K_{ҚЭ}$, $K_{ШЭ}$, $K_{ДЭ}$ - қуёш, шамол ва дизель генератор э.ю.к.ни электр кучланишга ўзгартириш занжирлараро боғланиш коэффициенти; $U_{АБ}$ - аккумулятор батареясидаги электр кучланиш; $U_{МЭТ}$- марказлашган манбалардаги кучланиши; $K_{Э1}$-$K_{Э5}$- манба электр кучланишини бирламчи электр токга (кириш токига) ўзгартириш коэффициенти; w-чўлғамлар сони; G_M-магнит ўтказувчанлик; $K[\Phi_{\mu g}(x), U_{э2}]$- магнит оқим ва датчикнинг чиқиш кучланиши орасидаги занжирлараро боғланиш коэффициенти; $W_{\mu}[\Phi_{\mu}, \Phi_{\mu g}(x)]$-тарқалган параметрли магнит ўзгартириш занжирини узатиш функцияси.

Контроллерли бошқариш блоки ахборот-ўлчов блокларидан реал вақт режимида манбалар имконияти ва истеъмол меъёри тўғрисидаги ахборотларга таянган ҳолда бошқарув бўйича белгиланган дастур асосида қарор қабул қилади (4-расм). Бунда талаб этилаётган энергияни манбалардан телекоммуникация қурилмасигача узлуксиз равишда етказиб бериш жараёни бошқариш «кучланиш бўйича ахборот-ўлчов блоки» ва «юклама токи бўйича ахборот-ўлчов блокларидан» олинган ахборотларга мос равишда «ахборотга ишлов бериш ва бошқарув блоки» томонидан бажарилади.



4-расм. Гибрид энергия манбаларини адаптив бошқариш тизимининг тузилиши

Ишлаб чиқилган граф модель асосида энергия таъминоти манбаларининг физик катталиклари ва датчикнинг чиқиш сигнали орасидаги боғлиқлик қуйидагича ифодаланади:

$$U_{э2} = W(V_1(G \cdot U_{МЭТ}), V_2(K_{Э1} \cdot K_{КЭ} \cdot E_{КЭТ}), V_3(K_{Э2} \cdot K_{ШЭ} \cdot E_{ШЭТ}), V_4(K_{Э3} \cdot K_{ДЭ} \cdot E_{ДГ}), V_5(K_{Э4} \cdot K_{АЭ} \cdot E_{АБ})), \quad (3)$$

бу ерда $W=W_\mu[\Phi_\mu, \Phi_{\mu g}(x)]\cdot K[\Phi_{\mu g}(x), U_{э2}]\cdot G_\mu \cdot w$ - датчик занжирининг узатиш функцияси; $V_1(G\cdot U_{МЭТ})$, $V_2(K_{Э1}\cdot K_{КЭ}\cdot E_{КЭТ})$, $V_3(K_{Э2}\cdot K_{ШЭ}\cdot E_{ШЭТ})$, $V_4(K_{Э3}\cdot K_{ДЭ}\cdot E_{ДГ})$ ва $V_5(K_{Э4}\cdot K_{АЭ}\cdot E_{АБ})$ - мос равишда адаптив бошқарувда қуёш, шамол, дизель генератори ва аккумулятор энергия таъминоти манбасини бошқарув блоки томонидан уланиш эҳтимоллиги.

Хусусий ҳолда, телекоммуникация тизимининг асосий манбаси сифатида марказлашган энергия таъминоти қўлланилганда, 4-расмда келтирилган граф модели ва (3) ифода асосида чиқиш сигналининг аналитик ифодаси қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$U_{э2} = W(V_1(G \cdot U_{МЭТ}) = 4{,}44 \cdot f \cdot w_{КТ} \cdot \frac{I_{э1} \cdot w_{СЭ}}{\frac{\sum l_{Пўл}}{\mu\mu_0 S_{МЎ}} + \frac{\sum l_{X.O}}{\mu_0 S_{СЭ}}}, \quad (4)$$

бу ерда $I_{Э1}$-бирламчи чўлғамидан оқаётган электр ток; $w_{КТ}$ - қўзғатиш чўлғами ($w_{КТ}$=1); f - частота; $w_{сэ}$ - сезувчи элемент симиннг ўрамлар сони ($w_{ўс}$=1-20); $\sum l_{Пў}$- магнит ўзгартириш занжири пўлат қисмининг узунлиги; $\sum l_{х.о}$ - ҳаво оралиғининг узунлиги; $S_{МЎ}$ - магнит ўзакнинг кесими юзаси; $S_{СЭ}$ - датчик сезувчи элементи юзаси.

Энергия таъминоти манбаларининг имкониятлари ўзгарганда, телекоммуникация объектлари фаолиятига таъсир этмаган ҳолда энергия билан таъминлашни бошқа манбаларга ўтказишда ахборот-ўлчов блоки сезгирлигига қўйиладиган талаблар датчикнинг асосий кўрсаткичларидан бири ҳисобланади.

Датчикнинг сезгирлиги чиқиш сигналининг бирламчи кириш токига нисбати орқали аниқланади ҳамда датчик сезгир элементининг ҳаво оралиғи 0,002 м ва 0,04 м бўлган қийматларида мос равишда K_1 ва K_2 сезгирлик коэффициенти қуйидагича ҳисобланади:

$$K_1 = 1{,}2\frac{мВ}{А}; \qquad K_2 = 0{,}2\frac{мВ}{А}. \tag{5}$$

Ҳисоблашлар ва моделни тадқиқоти натижаларида сезгир элементнинг ҳаво оралиғини камайтириш орқали датчик сезгирлигини 6 мартагача оширишга эришилди.

Диссертациянинг **«Адаптив бошқарув тизими датчикининг тавсифлари ва сигнал воситаларини лойиҳалаш»** деб номланган учинчи боби адаптив бошқарув тизимида қўлланиладиган датчикларнинг статик ва динамик тавсифларини ҳамда ўзгартириш хатоликларини тадқиқ этишга бағишланган.

3-расмда тасвирланган граф модель ва ишлаб чиқилган аналитик ифодалар (3) ва (4) асосида ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, сезгир элементнинг ҳаво оралиғи $l_{x.o}$ катталашганда чиқиш кучланишининг $U_{эчиқ}$ қиймати кескин камаяди (5-расм). Тадқиқотлар натижасида сезгир элемент жойлашган ҳаво оралиқ $l_{x.o}$ = 0,002 ÷ 0,003 м ва сезгир элементнинг ўрамлар сони $w_{ўс}$ = 15 ÷ 16 га тенг бўлганда чиқиш кучланишининг рационал қиймати таъминланишига эришилди(6-расм).



5-расм. Датчикнинг ҳаво оралиғи ўзгаришидаги статик тавсифи



6-расм. Датчик чиқиш кучланишини ўрамлар сонига боғлиқлиги

Датчикнинг чиқишидаги сигнални ҳосил қилувчи магнит оқими ўзгаришларга мос равишда динамик тавсиф қуйидаги ифода орқали тадқиқ этилади:

$$\Phi = \Phi_{макс}\left(e^{-\frac{Rt}{L}} - \cos(\omega t)\right) \pm \Phi_{кол} \cdot e^{-\frac{Rt}{L}}, \quad (6)$$

бу ерда R - актив қаршилик; L - реактив қаршилик; $\Phi_{макс}$ - максимал оқим; $\Phi_{қол}$ - қолдиқ магнит оқими.

Граф модель (6) аналитик ифода асосида олинган динамик тавсифлар шуни кўрсатадики, энергия таъминоти тизимидаги ўткинчи жараёнда юклама токнинг кескин ортиши магнит оқим амплитудаси қийматининг мос равишда ортиши билан изоҳланади. Тадқиқотлар кўрсатдики, датчикнинг қўзғатиш чўлғамига бирламчи ток берилгандан *0,03-0,04* сония вақт ўтгач, тақсимланган магнит ўзгартириш занжиридаги магнит оқим турғун ҳолатга эришади.

Манбаларни адаптив бошқариш датчикининг ишончлилигини баҳолаш мақсадида унинг хатоликларини тадқиқ қилиш ва баҳолаш граф модели ишлаб чиқилди (7-расм).



7-расм. Датчик хатолик манбаларини тадқиқ қилиш ва баҳолашнинг граф модели

бу ерда y_1-y_4 - таъсир этувчи катталиклар; Ky_1-Ky_4 - катталикларни мос равишда ўзгартириш занжирлари билан боғланиш коэффициентлари.

Датчикнинг ўртаквадратик хатолиги: 1. $I_{Э1} \rightarrow U_{\mu}$ ўзгартириш хатолиги, яъни δ_1=0,2 (±0,2% - бирламчи номинал қиймат), 2. $U_{\mu} \rightarrow \Phi_{\mu}$, яъни δ_2=0,1 ва *3.* $\Phi_{\mu} \rightarrow U_{э2}$, яъни δ_3=0,1 бўлган миқдорлар асосида қуйидагича аниқланди:

$$\delta_{\Sigma} = \sqrt{\delta_1^2 + \delta_2^2 + \delta_3^2} = \sqrt{0{,}2^2 + 0{,}1^2 + 0{,}1^2} = 0{,}24. \quad (9)$$

Ишлаб чиқилган датчиклар учун хатоликнинг энтропия оғиш қиймати қуйидаги формула асосида аниқланди:

$$\Delta = \delta_{\Sigma} \cdot K_э = 0{,}24 * 2{,}07 = 0{,}49, \quad (10)$$

бу ерда δ_{Σ} - хатолик оғиш қийматлари йиғиндиси, $K_э$ - энтропия коэффициенти (нормал тақсимланиш қонуни учун $K_э = 2{,}07$).

Ҳисоблашлар ва тадқиқотлар натижасида, токни кучланишга ўзгартириш датчикининг энтропия хатолиги $\Delta = 0{,}49$, амалий тадқиқотларда эса $\Delta = 0{,}5$ га тенглиги аниқланди.

Диссертациянинг **«Телекоммуникация тизимлари гибрид энергия таъминоти манбаларининг адаптив бошқаруви блокини лойиҳалаш ва амалиётда қўллаш»** деб номланган тўртинчи боби телекоммуникация тизимлари энергия манбаларини адаптив бошқариш имитацион модели, алгоритми ва дастурий таъминотини ишлаб чиқиш, бошқарув блоки орқали IoT технолгияси асосида масофали мониторингни амалга ошириш масалаларига бағишланган.

Қайта тикланувчан энергия таъминоти манбаларини телекоммуникация

тизимларининг марказлаштирилган электр тармоғига интеграциялашда электр энергиясини ишлаб чиқариш, сақлаш, узатиш ва истеъмол қилиш режимларини мувофиқлаштириш ҳамда электр катталик ва параметрларни тадқиқ қилиш мақсадида телекоммуникация тизимлари гибрид энергия таъминоти адаптив бошқарув иммитацион модели ишлаб чиқилди.

Имитацион моделлаштириш Proteus Professional 8.4 дастурий муҳитида амалга оширилди. Ушбу модель асосида манбаларни адаптив бошқариш элементлари ва қурилмалари виртуал блоклар кўринишида ифодаланиб, қурилмаларнинг реал функцияларини цимуляция қилинди ҳамда улар устида тадқиқотлар ўтказилди (8-расм).



8-расм. Телекоммуникация тизимлари гибрид энергия таъминоти адаптив бошқарувининг иммитацион модели

Имитацион моделда энергия манбалари сифати марказлашган энергия таъминоти (МЭТ), шамол электр станцияси (ШЭТ), қуёш электр станцияси (ҚЭТ) ва аккумулятор батареяси (АБ) олинган. МЭТ ва ШЭТ конвертер орқали ҚЭТ ва АБ эса тўғридан тўғри реле бошқарув қурилмасига уланган. Arduino микроконтроллери асосий бошқарув элементи бўлиб, Д1-Д4 датчиклардан олинаётган манбалар катталиклари ҳамда телекоммуникация қурилмаси истеъмол талаби тўғрисидаги ахборотларга таянган ҳолда бошқарув қурилмаси орқали R1-R4 релелар бошқарилади. Бундан ташқари ишлаб чиқиладиган энергия миқдорини олдиндан башоратлаш, энергияни режалаштириш ва манбалар ҳолатини мониторинг қилиш учун GSM модуль орқали тегишли маълумотларни мониторинг серверига юборилади.

Телекоммуникация қурилмалари истеъмоли талабига асосан, манбаларни микроконтроллер асосида адаптив бошқариш алгоритми ишлаб чиқилди (9-расм). Энергия манбаларини бошқариш ва энергия оқимларини тақсимлаш

алгоритмидан фойдаланиш телекоммуникция тизимларни самарали, сифатли ва узлуксиз электр таъминоти билан таъминлашга имкон берди.



9-расм. Юклама токига боғлиқ ҳолда адаптив бошқарув алгоритми

Телекоммуникация тизимлари гибрид энергия таъминотини адаптив бошқарув алгоритми телекоммуникация қурилмаларига энергияни узлуксиз етказишни таъминлаш жараёнини бошқаришда қуйидаги қувват баланси тенгламасига асосланади:

$$P_{МЭТ}(t)+P_{КЭС}(t)+P_{ШЭС}(t)+P_{ДГ}(t)+P_{АБ}(t)=P_{Ю}(t) \qquad (11)$$

бу ерда $P_{МЭТ}(t)$, $P_{ҚЭТ}(t)$, $P_{ШЭТ}(t)$, $P_{ДГ}(t)$, $P_{АБ}(t)$ - *МЭТ, ҚЭС, ШЭС, ДГ, АБ* ишлаб чиқарилган қувват қийматлари; $P_{Ю}(t)$ - юклама қуввати қиймати.

Гибрид энергия таъминоти манбаларини адаптив бошқариш жараёни микроконтроллерли бошқарув блоки томонидан, мониторинг серверига узатилган, манбалар томонидан ишлаб чиқарилган ва истеъмол қилинган энергия миқдорлари, аккумуляторларнинг зарядланиш ҳолати ва манбалардан фойдаланиш давомийлиги тўғрисидаги ахборотлар асосида амалга оширилади.

Мониторинг маълумотларини йиғиш ва уларга ишлов бериш ишлаб чиқилган ва амалиётга тавсия этилган схема асосида амалга оширилади (10-расм). Мониторинг учун талаб этиладиган маълумотлар мониторинг сервери маълумотлар базасида тўпланади ва имкониятга қараб Ethernet ёки GSM модули ёрдамида хизмат кўрсатувчи персоналга СМС-хабар, интернет орқали веб саҳифа кўринишидаги форматларда тақдим этилади.

Мониторинг тизими энергия манбаларининг ҳолати тўғрисидаги маълумотлар асосида эксплуатацион имкониятларни баҳолаш, таъмирлаш эҳтиёжини аниқлаш, узилишлар сабабини топиш ва уларни тезкор бартараф этиш имкониятини тақдим этади.



10-расм. Бошқарув жараёнини масофали мониторинг тизимининг тузилиш схемаси

Мониторинг тизимининг қўлланиши профилактик, таъмирлаш, қайта тиклаш ва туриб қолиш вақтини камайтириш ҳисобига сифатли техник хизмат кўрсатиш орқали телекоммуникация тизимларининг ишончлилигини оширишга имкон берди.

Энергия манбаларини адаптив бошқариш тизими датчиклари ва автоматлаштирилган бошқарув блокини қуриш, бошқарув алгоритми ва мониторинг қурилмасини ишлаб чиқиш ва қўллаш телекоммуникация тизимларини узлуксиз ишлашини, бошқарув блокининг манбаларига адаптив мослашувчанлигини, қулай бошқарув интерфейси эса бошқаришни аниқ ва юқори тезликда амалга оширишни таъминлади.

ХУЛОСА

«Телекоммуникация тизимлари гибрид энергия таъминоти манбаларини адаптив бошқаруви моделлари ва воситалари» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилади:

1. Ишлаб чиқилган ва ривожлантирилган гибрид энергия таъминоти манбаларини адаптив бошқаришни қуриш тамойиллари, моделлари, ахборот ўлчов воситалари ва энергия таъминотини мониторинг қилиш модули телекоммуникация тизимларини барқарор энергия билан таъминлаш имконини берган.

2. Телекоммуникация тизимлари гибрид энергия таъминоти манбаларини бошқариш датчигининг тақсимланган параметрли моделини қўллаш бошқарув сигналини ҳисоблаш аниқлигини 0,68-1,55 фоизга ошириш имконини берган.

3. Граф модели асосида ўтказилган тадқиқот натижасида сезгир элемент ҳаво оралиғининг қийматини 0,002-0,003 м га ва унинг ўрамлар сонини 15-16 га тенглаш чиқиш сигналининг меъёрий қийматини таъминлаш имконини берган.

4. Ишлаб чиқилган бошқарув датчик модели кириш сигналига нисбатан 0,03–0,04 сония вақтдан сўнг чиқиш сигналининг турғун ҳолатини шакллантириш имконини берган (стандарт талаби бўйича турғун ҳолатни шаклланиш вақти 0,1 сониядан ошмаслиги керак).

Датчикнинг умумий йиғинди хатолиги $\Delta=0,49$ фоизни ташкил этди.

5. Адаптив бошқарув алгоритми, сигнал ўзгартирувчи датчиклар ва микроконтроллерли бошқарув блоки асосидаги имитацион бошқариш модели реал вақт режимида истеъмолчи юклама токига боғлиқ ҳолда энергия таъминот манбаларини адаптив бошқариш жараёнини тадқиқ этиш имконини берган.

6. Сигнал ўзгартириш датчиклари, контроллерли бошқарув блоки ва IoT технологияси асосида телекоммуникация объектларининг энергия таъминотини масофадан мониторинг қилиш модули структураси, маълумотлар базаси ва уларни тақдим этиш формати ишлаб чиқилган ва бунинг натижасида таъмирлаш эҳтиёжини аниқлаш, узилишлар сабабини топиш ва уларни тезкор бартараф этиш имкониятига эришилган.

7. Ишлаб чиқилган ечимларни амалиётга жорий этиш натижасида бошқарув тизимининг юқори аниқлиги, энергия истеъмоли миқдорининг назорати ва қурилмаларнинг узлуксиз ишлашини таъминланиши асосида кутилаётган иқтисодий самарадорлик йилига 56 млн. сўмни ташкил этган.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.28.12.2017.T.07.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ

ТАШКЕНТСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ

ХУЖАМАТОВ ХАЛИМЖОН ЭРГАШЕВИЧ

МОДЕЛИ И СРЕДСТВА АДАПТИВНОГО УПРАВЛЕНИЯ ГИБРИДНЫМИ ИСТОЧНИКАМИ ЭНЕРГОСНАБЖЕНИЯ ТЕЛЕКОММУНИКАЦИОННЫХ СИСТЕМ

05.04.01 - Телекоммуникационные и компьютерные системы, телекоммуникационные сети и информационные устройства. Распределение информации

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ

Ташкент-2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2018.4.PhD/T919.

Диссертация выполнена в Ташкентском университете информационных технологий.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного Совета (www.tuit.uz) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:	**Сиддиков Илхомжон Хакимович** доктор технических наук, профессор,
Официальные оппоненты:	**Абдуқаюмов Абдурашид** доктор технических наук, профессор
	Исаев Рихси Исаходжаевич кандидат технических наук, профессор
Ведущая организация:	**Ташкентский институт инженеров железнодорожного транспорта**

Защита диссертации состоится «___» _____ 2019 г. в ____ часов на заседании Научного Совета DSc.28.12.2017.T.07.02 при Ташкентском университете информационных технологий (Адрес: 100202, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 108.Тел.: (99871) 238-64-43; факс: (99871) 238-65-52; e-mail: tuit@tuit.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского университета информационных технологий (регистрационный номер №_____). Адрес: 100202, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-65-44.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2019 года.
(реестр протокол рассылки № ___ от «___» _____ 2019 г.).

Х.Н.Зайнидинов
Замеситель председателя Научного Совета по присуждению ученых степеней, д.т.н., доцент

Ж.Х. Джуманов
Ученый секретарь Научного Совета по присуждению ученых степеней, д.т.н., доцент

Н.Б. Усманова
Председатель научного семинара при Научном Совете по присуждению учёных степеней, д.т.н., доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире при обеспечении бесперебойной работы систем телекоммуникации и информационных технологий уделяется большое внимание совершенствованию устройств управления различных источников энергоснабжения на основе соответствующего программного обеспечения и строгого алгоритма. В этом направлении, в частности при обеспечении энергоснабжения телекоммуникационных систем особое внимание уделяется разработке информационно-измерительных средств и технических средств, алгоритмов и программного обеспечения, моделей адаптивного управления источниками энергоснабжения телекоммуникационных систем, связанных с параметрами стабильности, устойчивости, достоверности. В этом направлении, в частности в США, Великобритании, Германии, Дании, Голландии, Японии, Китае и России уделяется особое внимание развитию источников энергоснабжения, таких как солнечные, ветряные установки, аккумуляторные батареи и дизель (газовые) генераторов.

В мире ведется ряд научных исследований, направленных на совершенствование моделей, средств и систем управления, которые обеспечивают бесперебойность энергоснабжения телекоммуникационных систем с помощью гибридных источников. В этой области особое внимание уделяется разработке технических решений, алгоритмов и программного обеспечения микроконтроллеров, обеспечивающих управление, мониторинг, планирование применения гибридных источников энергоснабжения в системах Smart Grid с учетом требований потребителей, преобразования сигналов для устройств управления и контроля. Проблема разработки и внедрение устройства дистанционного мониторинга процесса управления гибридными источниками энергоснабжения телекоммуникационных систем на основе технологии IoT, считается одной из важных задач в мире.

В нашей Республике осуществляются широкомасштабные меры, направленные на дальнейшее совершенствование сферы телекоммуникаций и информационных технологий, разработку систем управления гибридными источниками бесперерывного энергоснабжения телекоммуникационных систем. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 годах отмечены ряд задач, в том числе «… внедрение информационно-коммуникационных технологий в экономику, ... социальную сферу, системы управления, ... сокращение энергоемкости и ресурсоемкости экономики, широкое внедрение в производство энергосберегающих технологий»[1]. Создание имитационной модели процесса управления гибридными источниками энергоснабжения телекоммуникационных систем, разработка информационно-измерительных средств преобразования и формирующих сигналы управления, обеспечивающие принятие решений при

[1]Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 г. № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

осуществлении процесса адаптивного управления, считаются одной из важных задач.

Данная работа служит практическим примером выполнения задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 г. № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Постановлениями Президента Республики Узбекистан от 5 мая 2015 г. № ПП-2343 «О Программе мер по сокращению энергоемкости, внедрению энергосберегающих технологий в отраслях экономики и социальной сфере на 2015 - 2019 годы», от 26 мая 2017 г. № ПП-3012 «О Программе мер по дальнейшему развитию возобновляемой энергетики, повышению энергоэффективности в отраслях экономики и социальной сфере на 2017 - 2021 годы», а также нормативно-правовых документов, касающихся данной сферы.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологии Республики Узбекистан II. «Энергетика, энерго- и ресурсосбережения» и IV. «Развитие информатизации и информационно-коммуникационных технологий».

Степень изученности проблемы. На основе принципов организации процессов управления гибридными источниками энергоснабжения телекоммуникационных систем и сигнальных датчиков (средство преобразования сигналов (электрический сигнал) для передачи измеряемой физической величины (электрический ток, напряжение и т.д.), их обработки и регистрации) с различной физической природой проводятся научные исследования по изучению процессов приёма, обработки и передачи сигналов в виде напряжения, обеспечивающие решение проблем беспрерывного и надежного энергоснабжения.

Теме данного исследования были посвящены научные работы известных зарубежных ученых, таких как H.Schaumburg, E.Ritchie, R.Hanitch, I.Rampias, Б.С.Сотсков, К.М.Поливанов, Л.Ф.Куликовский, Л.А.Островский, В.П.Миловзоров, Е.П.Осадчий, М.Ф.Зарипов, А.А.Преображенский, М.М.Белов, Н.Е.Конюхов, Е.С.Левщина, П.В.Новицкий, М.А.Ураксеев и др. Кроме того, изучению исследуемой проблемы посвящены научные труды отечественных ученых, таких как Н.Р.Юсупбеков, Х.З.Игамбердиев, Р.К.Азимов, Ш.М.Гулямов, А.А.Абдукаюмов, Ю.Г.Шипулин, А.А.Халиков, С.Ф.Амиров, А.М.Плахтиев, Р.И.Исаев, И.Х.Сиддиков, Б.Махкамжонов и др.

Результаты проведенного анализа показали, что вопросы применения комплекса современных технологий и техники при адаптивном управлении гибридными источниками энергоснабжения телекоммуникационных систем, моделирования и алгоритмизации процессов формирования сигналов, необходимых для управления и мониторинга, структурного и параметрического проектирования датчиков определения возможностей источников энергии, а также разработка и внедрение в практику их новых видов еще недостаточно изучены.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в Ташкентском университете информационных технологии в рамках проектов №.574049-EPP-1-2016-1-IT-EPPKA2 - CBHE - JP «Modernization of the Curricula in sphere of smart building engineering – Green Building (GREB)» (2016-2019), №.VN 81182259 «Pilot project of Uzbekistan: Climate Change mitigation in rural areas of Uzbekistan - demonstration project at private farm Furqat of Pakhtakor district in the Mirzachul steppe» (2014-2017), №.ИТД-17-015 «Исследование устойчивости функционирования средств и сетей телекоммуникации Республики Узбекистан» (2009-2011) и №.БВ-А3-027 «Разработка и внедрение системы управления электроснабжением энергонезависимых здании» (2017-2018).

Целью исследования является разработка моделей адаптивного управления гибридными источниками энергоснабжения телекоммуникационных систем и совершенствование алгоритма управления.

Задачи исследования:

исследование источников энергоснабжения телекоммуникационных систем, а также методов и средств их управления;

моделирование, проектирование и разработка средств управления гибридной системой энергоснабжения телекоммуникационных систем;

исследование и оценка характеристик датчиков и их физико-технических эффектов преобразования, применяемых в системах управления;

разработка имитационной модели, алгоритма и программного обеспечения адаптивного управления гибридными источниками энергоснабжения с учетом тока нагрузки потребителя;

разработка и внедрение технологии дистанционного мониторинга управления гибридными источниками энергоснабжения телекоммуникационных систем на основе технологии IoT.

